

Гулчеҳра УМАРОВА,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Қарийб эллик йилга яқин журналистиканинг баланд-паст йўлларидан шахдам юриб келаётган Гулчеҳра Умарова матбуотда ҳам, оммавий ахборот воситаларининг барча турларида ҳам бирдай фаол. Бадиий фильмлар, драматик асарлар борасидаги баҳсларда ҳаққоний таҳлиллари билан барчанинг диққат марказида бўлади. Санъат соҳасидаги муаммолар, ибратлар – ҳеч бири унинг зийрак нигоҳидан четда қолмайди. Узоқ йиллар "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида фаолият олиб борган. У айни кунларда "Жадид" газетасида ишлайди. Йиллар давомида юртимиздаги барча нашрларда чоп этилган долзарб мавзудаги мақолалари жамланган "Яхшидир аччиқ ҳақиқат" китоби мухлисларнинг чиройли эътирофларини қозонди.

Биз дадил сўзли ҳамкасбимизни ҳаётидаги яна бир нурли бекатга етиб келганлиги билан самимий табриклаймиз. Саломатлик, оилавий хотиржамлик, ижодий зафарлар тилаймиз.

CamScanner yordamida skanerlangan

САРҲИСОБ

Ўзбекистонда хотин-қизлар ва оила масалаларига оид давлат сиёсатининг янги мазмун ва аниқ натижаларда намоён бўлганлиги 2025 йилнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Бу йил қабул қилинган қарорлар ва амалга оширилган ташаббуслар рақамлардагина эмас, балки минглаб оилалар ҳаётида, аёлларнинг ижтимоий фаоллиги ва ўз кучига бўлган ишончида ўз аксини топди.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан йил давомида амалга оширилган ишлар бандликдан тортиб соғлиқни сақлашгача, тадбиркорликдан таълимгача бўлган кенг йўналишларни қамраб олди. Қўллаб-қувватланишнинг умумий шиор даражасида эмас, маҳалла ва хонадонгача етиб борадиган амалий ечим сифатида ташкил этилиши асосий мақсад бўлди.

Иқтисодий мустақиллик – аёл ҳаётидаги асосий таянч



2025 йилда хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш устувор вазифага айланди. Йил давомида 2,3 миллион нафар хотин-қиз даромадли меҳнат билан таъминланди. Бу кўрсаткич давлат сиёсатида аёл меҳнатига муносабатнинг амалда ўзгарганини яққол кўрсатади. Шу билан бирга 735,7 минг нафар хотин-қиз расмий иш ўринларига жойлаштирилди.

Бандликнинг энг ишончли йўли касбга эга бўлиш. Шу мақсадда 331 минг нафар хотин-қиз касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. "Сайхунобод тажрибаси" асосида фаолият юритаётган тадбиркорлик марказлари орқали 100 328 нафар хотин-қизлар билим ва кўникмаларга эга бўлди, уларнинг 70 793 нафари эса доимий даромад манбаига эришди.

Тадбиркор аёл – оила фаровонлигининг кафолати



2025 йил хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда ҳам янги босқич бўлди. Тижорат банклари томонидан 380 687 нафар хотин-қизларнинг лойиҳалари учун 20,8 трлн. сўм кредит ажратилди. Шунинг 1,9 трлн. сўми оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 121 531 нафар аёлга йўналтирилди.

Натижада 50 минг нафар хотин-қиз янги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди. Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида ташкил этилган "Аёл, бизнес, инновация" семинарларида 140 нафар лидер тадбиркор аёллар иштирок этди. 108,1 минг нафар эҳтиёжманд хотин-қизлар уларга бириктирилиб, даромад манбаига эга бўлиш имконияти кенгайтирилди.

Уй меҳнати орқали бандликни таъминлаш мақсадида 12 505 нафар лидер тадбиркор аёллар аниқланиб, уларга 108 108 нафар хотин-қизлар бириктирилди. Шунингдек, 4 201 та хонадонда кичик ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилди.

Рақамли иқтисодиёт ҳам аёллар учун янги имконият эшикларини очди. "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида 187 минг нафар хотин-қиз IT соҳасига қадам қўйди. Бу нафақат касб, балки масофавий ишлаш, стартаплар ва янги турмуш модели дегани эди.

Қишлоқ жойларда эса амалий ечимлар устувор бўлди: хонадонида пилла етиштириш имконияти бўлмаган аёллар учун 1 003 та марказлаштирилган қуртхоналар ташкил

CamScanner yordamida skanerlangan

Соғлом оила – барқарор жамият асоси



Соғлом оила масаласи 2025 йилда ҳам эътибор марказида бўлди. Республика бўйича 2 255 та "Соғлом оила маслаҳатхоналари" фаолият кўрсатиб, минглаб аёлларга тиббий ва маслаҳат хизматлари кўрсатди.

Эрта никоҳ ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш мақсадида 35 мингдан ортиқ давра суҳбатлари ташкил этилди. "Масъулиятли ота-оналик" лойиҳаси эса замонавий форматда – онлайн курслар, мобил иловалар ва видеодарслар орқали амалга оширилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида 3,7 миллион нафар аёл онкоскринингдан ўтказилиб, касалликларни эрта аниқлаш имконияти яратилди.

"Аёллар дафтари" – муаммодан ечимгача




Ижтимоий ҳимояда энг катта қамров "Аёллар дафтари" тизими орқали таъминланди. 9 008 та маҳаллада олиб борилган хонадонбай ишлар натижасида 1 754 318 та муаммо аниқланди. "Аёллар дафтари"га киритилган 1 022 476 нафар хотин-қиздан 1 020 981 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди.

Шундан 634 639 нафарининг бандлиги таъминланди, 33 399 нафарига тадбиркорликни йўлга қўйиш учун 316,9 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратилди, 348 968 нафар хотин-қизларга моддий ёрдам кўрсатилди.

2025 йил натижалари шуни кўрсатадики, хотин-қизлар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш сиёсати рақамлар соясида қолиб кетмади. У инсон тақдирига, оила барқарорлигига ва жамият тараққиётига хизмат қилаётган ҳаракатдаги механизмга айланди.

2026 йил учун ишлаб чиқилган янги "Йўл харитаси" эса бу ислоҳотлар изчил ва давомли бўлишини англатади.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
Ахборот хизмати



CamScanner yordamida skanerlangan



"ОҚ КЕМА"да бошланган қутлуғ сафар



Бир донишманд билан узоқ мулоқотда бўлган инсонга суҳбатдош бўлиш насиб этса, маънан бойийсан. Юз, минг донишманднинг оқилона фикрларини ўзига сингдирган шахс билан сўзлашиб қолсанг-чи... Бундай фурсатларнинг баҳосини ўлчашга, халқона ифодалаганда, олтиндан тарозу, олмосдан тош оз. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Умида Тешабоева билан суҳбатимиз давомида шундай фикрлар бир неча бор хаёлимиздан ўтди. Чунки ихчамгина жуссали, юраги жуссасидан катта бу аёл ўттиз йилдан буён китоблар дунёсида яшайди.

– Йўқ, озгина қўшинг, қирқ беш йиллардан буён китоблар билан қадрдонлиги бор, деб айтаверинг, – дейди суҳбатдошимиз беғубор бир шўхчанлик билан ва фикрини изоҳлай бошлайди: – Онам Раҳимахон Алимова кўзи ожизлар мактабида ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берганлар. Ўқувчиларининг кўнгилларидакемтикликбўлганлигибоисонамуларга ҳамиша қувонч бағишлашга ҳаракат қилардилар. Мутолаа ана шундай завқли машғулотлардан эди. Мен ҳам бу машғулотларга жон-жон деб қатнашар эдим. Чингиз Айтматовнинг "Оқ кема" қиссасини шу қадар ифодали ўқиган эдиларки, ҳануз овозлари қулоқларим остида жаранглайди. Муаллима ҳар бир қаҳрамонга ўзига мос овоз берарди. Синфда "тиқ" этган товуш эшитилмас, болаларнинг бутун вужуди қулоққа айланиб, берилиб тинглардилар. Мен ҳам улар орасида эдим. Ёш юрагимда ажойиб орзулар уйғона бошлаганини ҳис қилардим ва бу туйғулардан ўзимга сиғмай суюнардим.

Мен журналист бўламан. "Оқ кема"дек ҳамма севиб ўқийдиган китоблар ёзаман, деган орзуйимни ҳам илк бор онамга айтганман.

Муаллима она энди кўтарилиб келаётган қанотлари билан парвозга шайланган зийрак қизалоғига қандай маслаҳат берарди?

– Ёзганингни одамларга маъқул қилиш учун аввал жуда кўп ўқиш керак, – деди қатъий қилиб. Қизалоқ бу маслаҳатни келажак йўлининг дастуруламалидай қабул қилди. Эшитганини мустаҳкамлаб олиш учун "Оқ кема"ни яна бир ўқиб чиқди. Сўнг Парда Турсуннинг "Ўқитувчи" романини қўлига олди. Мирмуҳсиннинг "Чотқол йўлбарси"га етгунича қанча асарларни ўқиб тугатди. Қаҳрамонларига қўшилиб изтироб чекди, курашди, мағлуб бўлди, енгди...

Вазият тақозосига кўра, Умида журналистика соҳасидан эмас, бошқа йўлдан кетди. У Тошкент давлат аграр университетида кўп йиллар биология фани[illegible]

CamScanner yordamida skanerlangan

Олимжон Алимов ва бошқа оила катталарининг маслаҳати билан Тошкент давлат маданият институтининг кутубхонашунослик факультетига ўқишга кирди.

Ҳа, баъзан сен касбни танламайсан, балки, иқтидорингга қараб касб сени танлайди. Бу дунёнинг энг мўъжизавий қудратига эга гўзал китоблар уни ўзига батамом тортиб олди. Кимларгадир жуда жўн туюлган "библиография", "китоб фонди", "китобхонларга хизмат кўрсатиш" каби соҳага оид тушунчаларнинг инига чуқурроқ киргани сайин ҳар бирини янги дунё очгандек кашф қила бошлади. Айниқса, институтни битириб,Тошкент вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти кутубхонасида иш бошлаганда, сўнг фаолиятини ўзи талаба бўлган олийгоҳда давом эттирганида, шу институт аспирантурасига кириб, илмий иш қилишга киришганларида танлаган соҳасининг маданиятнинг оддий бир тармоғи эмас, миллат маънавиятини мустаҳкам тутадиган пўлат устун эканлигига ишонди ва шу ишончга яраша фидойилик қилди. Ҳаётда ҳеч бир фидойилик беиз кетмаганидек, бу жонкуяр аёлнинг юракдан қилинган ҳаракатлари уни Ўзбекистонимизнинг энг нуфузли кутубхонаси – Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонагача олиб келди.

Бир ярим асрдан зиёд тарихга эга бу зиё масканига директорлик лавозимига тайинлангунига қадар бош мутахассис,директор ўринбосари каби бир неча вазифаларда ишлаб, кутубхона жараёнларини автоматлаштириш, кадрларни тайёрлаш ва рағбатлантириш, фондларни тўлдириш ва сақлаш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўналишларида салоҳиятини, ташаббускорлигини кўрсата олди.

Бугунги раҳбарлик кўламини тасаввур қилиш учун қуйидаги рақамларни келтиришнинг ўзи кифоя: ўтган йил якунларига кўра, кутубхонанинг умумий китоб фонди 8270044 нусхани ташкил этади. Электрон ресурслари сони 1082622 нусхадан иборат. Рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар сони 225100 нафар бўлса, китоблардан фойдаланиш учун йилига ўртача бир миллионга яқин китобхон ташриф буюради. Боз устига, китобхонлик маданиятини юксалтириш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани боис туман, шаҳарларимизда ташкил этилган ахборот-кутубхоналарни бошқариш ҳам Миллий кутубхона зиммасига юклатилган.

Аввалдан фойдаланиб келинаётган эски биноларни таъмирлаш, янгиларини қуриш, уларни замонавий техника жиҳозлари билан таъминлаш ишларининг барчаси раҳбардан уддабуронлик, мунтазам ҳаракат талаб қилади.

– Қуёшли Сурхондарёнинг энг узоқ туманларидан бошлаб Қорақалпоғистоннинг шимолий чегаралари – Мўйноқ, Қўнғиротгача, олис Томдидан то Андижоннинг Қирғизистон билан қўшни туманларигача бориб келдим. Ва бугун юртдошларимиз тафаккурини мутолаа билан ёриштириш жуда муҳим вазифаларимиздан бири эканлигига ишонч ҳосил қилдим, – дейди қаҳрамонимиз.

> **Мен журналист бўламан. "Оқ кема" дек ҳамма севиб ўқийдиган китоблар ёзаман, деган орзуйимни ҳам илк бор онамга айтганман.**

У ва ёнидаги ҳамкасбларининг бугунги фаолияти асримизнинг яна бир улуғ ҳодисаси – Янги Тошкент шаҳрида қурилаётган Миллий кутубхонанинг янги биноси тўрт қаватдан иборат, миллий дизайнга эга, жами 30 минг квадрат метр майдонга эга бу муҳташам бино бир вақтнинг ўзида 1, 5 мингдан зиёд китобхонни қабул қила олади.

– Бир кўзингиз ўша қурилишда эканлигини ҳис қилиб турибмиз. Турли сана муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар, тарих фанлари фалсафа доктори даражасини давом эттириш мақсадида қилаётган илмий изланишларингиз, Евроосиё кутубхоналар Ассамблеяси Вице-Президенти вазифаси доирасидаги вазифалар... Ҳаммасидан вақт орттириб, Ўзбекистон хотин-қизларининг бир асрлик овози бўлган "Саодат" журналининг электрон вариантини яратишдек мураккаб ишга қўл урганингиз бизни жуда қувонтиради, айни дамда ҳайратга солади, – деймиз суҳбат жиловини ташрифимизнинг асосий мақсадига бурарканмиз.

Ўзининг қилган ишидан кўнгли тўлган лаҳзаларда одамнинг чеҳрасига ниҳоятда гўзал табассум қалқади. Суҳбатдошимизнинг чеҳраси, овозида шу мамнуниятни ҳис этамиз.

– Биз тақвимларга қараб бир йил аввал миллатимиз учун муҳим бўлган саналарни белгилаймиз. Ўтган йили қарасак, оналаримизга севимли бўлган, ҳозирги меҳнатларингиз боис қадим шон-шуҳрати яна қайтаётган "Саодат"имиз юз ёш остонасига келиб қолибди. Кенгаш, маслаҳат билан ишга киришдик. Журналнинг электрон вариантини яратиш уч босқичда амалга оширилади. Рақамлаштириш, махсус дастур ёрдамида тозалаш, ишлов бериш. Бир-бирига улаш... Биз бир нечта ходимимизни махсус шу жараёнга бириктирдик. Журналингизнинг байрамига муносиб тўёна тайёрлаш асосий мақсадимиз бўлди. Чунки қайси тадқиқотчи хотин-қизлар масаласи бўйича изланишлар бошласа, "Саодат"га, албатта, мурожаат қилади. Гендер тенглик мавзуси ҳаёт марказига чиққач, журнални сўровчилар янаям кўпайди. Ҳатто

CamScanner yordamida skanerlangan

дизайн мутахассисларини хотин-қизларимизнинг турли даврда кийган либослари ҳам қизиқтиряпти. Сизни қувонтириш билан бирга замон талабларини ҳам ўйладик. Қайта- қайта миннатдорлик изҳорларингиздан биляпмизки, байрамларингизга муносиб ҳадя бўлибди...

– Секин айтасизми? Бу ҳадя қадрдон нашримизнинг умрига умр қўшди, мутолаа жуғрофиясини кенгайтирди, – деймиз уларнинг изоҳларига жавобан.

Аслида битикларимизни шу нуқтада якунласак бўларди. Мурод ҳосил бўлгандек эди. Аммо қаҳрамонимиз аёл, она-ку. Унинг иккинчи қаноти – оиласи ҳақида сўз очмасак ёзмишларимиз кемтик бўлмайдими...

Келинг, мухтасар таништирамиз. Турмуш ўртоғи Шавкат Тешабоев – қурувчи муҳандис. "Севдим-севилдим" билан оила қуришмаган. Узоқ қариндошчилик ришталари бор эди. Ота-оналарнинг истаги, розилиги билан бир оилага бирлашишган. Баъзан ҳурматга асосланган турмуш ҳам ҳавасларга лойиқ бўлади. Тешабоевлар оиласини билган кексалар: "Илоҳим, фарзандларимиз сизларга ўхшаб ширин ҳаёт кечиришсин", дея дуо қилишади. Ўғиллари Тоҳирбек, Нодирбеклар бири техника, иккинчиси геология соҳаси мутахассислари. Фарзандларининг кенжаси Камронбек – талаба.

Қачонлардир Умидахоннинг кўнглида "Қиз фарзанд кўрмадим", деган армон бўлгандир. Аммо келинлари Диёрахон, Фарангиз тарбияли, зиёли қизлар. Ўз қизидек меҳрибон. Набиралари Гулгуна, Таснима (Абдулҳаким ўғлон ҳам бор улар орасида) дунёга келгач, бу армонлар унутилди.

– Яхши келин қизингдай зиёда бўларкан, – дейди бугун бу борада сўз очганларга.

Ҳамон яхши китобни ҳайрат билан ўқийдиган, жамиятда касбига нисбатан муносиб эҳтиром уйғотишни орзулайдиган, заҳматлари "Меҳнат



шуҳрати" орденига муносиб кўрилган бўлсада, шуҳратдан кибрланмаган бу камтар аёл дуогўйлари – онажони, қайнона-қайноталари Санобархон ва Камолиддин Тешабоевлар олдидаги фарзандлик, келинлик бурчларини бекаму кўст адо этади. Ҳамрохон Маматраимова, Любовь Петровна Дашкевич, Татьяна Семёновна Егорова каби илм, меҳнат йўлларидаги устозларидан сўз очса, ҳануз боши таъзимга эгилади.

"Саодат"нинг Сиз каби қаҳрамонлари фақат саҳифаларимиз зийнати эмас, миллатимиз юзи, кимлигимизни намоён этувчи ибратимиз. Биттадан ўн, ўнтадан юз, юздан туман бўлсангиз, суюнамиз, миллат, халқ Сиз билан бутун, бундан фахрланамиз.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА



CamScanner yordamida skanerlangan



МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Ҳар бир бола аслида гўзал орзулар билан бирга улғаяди. Орзулар уларни руҳан озиқлантиради, кучли қилади, ҳаракатга келтиради.

Қашқадарё вилоятининг олис Қамаши туманидаги "Қўштамғали" қишлоғида яшовчи Анваржон ака ва Барногул опа хонадонида 1997 йилнинг айни саратонида учинчи фарзанд Асқаржон дунёга келди. У болалигидан акаси Азамат билан кураш тушиб, ўзини опаси Бибисоранинг ҳимоячиси ҳис қилиб, дўстлари билан отаси ясаб берган қўлбола милтиқларида ўйин ўйнаб катта бўлди.

Бир куни у мактабдан эрта келиб, онасининг "Ёшлар" телеканали орқали намойиш этилаётган "Чегарадаги қишлоқ" номли миллий сериални берилиб томоша қилаётганини кўрди. Секингина волидаси тиззасига бош қўйиб биргаликда томоша қила бошлади. Сериалдаги воқеалар ривожи, ҳарбийларнинг мардонавор жанглари, муҳаббат мавзуси Асқаржонни тамомила ўзига ром этиб қўйди.

Кейин ҳарбий амакиси Жуманазар ака Хушбоқовнинг бежизга бу касбни танламаганини тушунди. Шу боис у тумандаги 50-умумий ўрта таълим мактабида, касб-ҳунар коллежида ўқиган йилларида ҳам шу касбни эгаллаш истагида яшади. Коллеждаги таҳсили давомида "Шунқорлар", "Қувноқлар ва зукколар" танловларида фаол иштирок этар, ўзини бўлажак ҳарбий сифатида кўрарди.

Ўқув юртини тамомлагач, Жиззах вилояти Зомин туманидаги Чегара қўшинларининг ҳарбий қисмида муддатли ҳарбий хизматни ўташни бошлади. Болаликдаги орзуси ушалганидан қувонар, ўзининг Ватан ҳимоячиси бўлганлигидан фахрланар, келажакда шу соҳанинг етук билимдони бўлиш энди нафақат орзу, балки, ўз олдига қўйилган катта мақсад ҳам эди.

Мамлакатимизнинг чегара чизиқлари турли географик нуқталардан ўтганлиги туфайли ҳарбийларнинг ҳар қандай шароитга жанговар тайёргарлиги муҳим аҳамият касб этишини у хизматни бошлаган илк кунлариданоқ тушунди. Боиси назарий билим ва кўникмаларни йилнинг тўрт фаслида тоғли шароитларда мустаҳкамлайдиган чегарачилар чин маънода юрт қалқонлари экан.

Асқаржон хизмат давомида ўзининг ҳар томонлама фаоллигини кўрсатиб, қисм командирлари томонидан бир неча бор "Фахрий ёрлиқ" ва "Ташаккурнома"лар билан тақдирланди. Вақти келиб, муддатли ҳарбий хизматни тамомлаб, шартнома асосида ишга қабул қилинди. 2020 йил сентябрь ойида кичик сержант унвонини олган Асқаржон шу йили Гулистон давлат университети жисмоний маданият факультети сиртқи таълим йўналишига ўқишга қабул қилинди. Ўз касбининг билимдони бўлиш умиди билан яшаган қаҳрамонимизнинг талаба бўлиши унинг шу пайтгача бўлган жисмоний чиниқишларини билим билан мустаҳкамлади.

Айни шундай қувончли кунларнинг бирида у ўзининг илк муҳаббатини учратди. Қарши давлат университети филология факультетида таҳсил олаётган Дилчеҳра билан бир маънавий тадбирда тўқнаш келдилар. Илк учрашув ҳар икки ёшнинг кўнглига муҳаббат учқунини солди. Уч йиллик синов уларнинг муҳаббатларини янада мустаҳкамлади.

CamScanner yordamida skanerlangan

Ҳар иккиси ҳам ўқишни тамомлаб, ота-она розилиги билан турмуш қуришди. Энди Асқаржоннинг ёнида Дилчеҳрадек зукко, китобхон, билимли, изланувчан умр йўлдоши бор. Аёли унинг иш фаолиятидан тортиб ютуқларигача камарбаста бўлди. Натижада муваффақиятлари сони ва салмоғи ошиб борди. Икки севишган қалб болаликдаги гўзал орзуларини биргаликда рўёбга чиқариш илинжида бир-бирларига тиргак бўлдилар. Улар ҳамкасблар ўртасида ўтказилган спорт мусобақаларининг фаол иштирокчиси, "Намунали оила", "Китобхон она", "Ибратли оила" каби кўрик-танловларнинг ғолиблари бўлишди.

– Болалигимдан ҳарбий йигитга турмушга чиқишни орзу қилардим. Уларнинг алп қоматию ўзига ярашган формаси ёқарди, – дейди Дилчеҳра биз билан суҳбатда. – Бахтимга шундай йигит учради, биз Асқар ака билан гўёки бир олманинг икки палласи бўлдик. Менда ижодга ҳавас кучли бўлганлиги учун улардаги меҳр-муҳаббатни баъзан шеърга солардим. Баъзан эса эр-хотин узоқ суҳбатлашиб мақсадларимиз муштараклигидан қувонардик. Турмуш ўртоғим азал яралмишда шу касб учун туғилган, десам муболаға бўлмайди. Боиси касби билан фахрланади, юртнинг қалқони бўлиш шарафлигини доим ҳис қилади.

Дилчеҳра Қарши давлат университети филология факультетида давлат гранти асосида ўқиган. Талабалик йиллари "Зукко китобхон", "Заковат" каби танловларда фаол иштирок этган. Адабиётшунослик бўйича бир қанча мақолалари миллий ва хорижий нашрларда чоп этилган, ўзи эса кўплаб республика ва халқаро конференцияларда фаол қатнашган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилган истеъдодли ёш ижодкорларнинг анъанавий "Зомин семинари" республика босқичида фаол иштирок этиб, сертификат ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган.

Бежизга оилани "олтин қўрғон" дейилмайди. Оилада муҳаббат қўрғони мустаҳкам бўлса, ўша ерда хотиржамлик, юксалиш бўлади. Асқаржон ва Дилчеҳралар оиласи худди шундай ҳавасга муносиб мустаҳкам қўрғон бўла олди. Ўзбекистон Республикаси ДХХ Чегара қўшинлари миқёсида ҳарбийлар оиласи иштирокида ўтказилган "Китобхон она" кўрик-танловининг республика босқичида Дилчеҳра ғолиблардан бири сифатида эътироф этилди.

Янги Ўзбекистоннинг "Энг ибратли ҳарбийлар оиласи" танлови республика босқичида мутлақ ғолиб бўлиб, олий ўрин – Гран-при билан тақдирландилар.

Худди шу куни танловда ғолиб бўлиш билан бирга бу ёш оиланинг ҳаётидаги унутилмас воқеа ҳам содир бўлди. Танлов шартлари бўйича беллашаётган Дилчеҳранинг ой-куни яқин эди. Кучли ҳаяжон, мухлислар олқиши танлов якунланиб қолай деганда аёл вужудида бошланган дардни кучайтириб юборди. "Тез ёрдам" чақиришга тўғри келди. Саҳнадан



шифохонага қараб йўл олган Дилчеҳра танлов якуни нима бўлганини сўраганда ташкилотчилардан бири ДХХ Чегара қўшинлари Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш бўйича масъул офицери, майор Наргиза Бобожонова уни тинчлантирарканг: "Сиз ҳозир ёруғ оламга талпинаётган вужудингиз парчасини соғлом дунёга келтириш ҳақида ўйланг, тадбир ғолибларини эса ҳакамлар ҳал қилади. Чақалоқнинг қадами қутлуғ келсин, илоҳим", – дейди. Ўша куни чиндан омадли кун бўлади. Парвинахоннинг қадами хайрли бўлиб, ўнлаб танлов иштирокчилари орасида Асқаржон ва Дилчеҳра Абсоатовлар оиласи мутлақ ғолибликни қўлга киритди.

15 май – "Халқаро оила куни" муносабати билан республика Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган "Ибратли оила" танловининг ғолиби сифатида ҳам Абсоатовлар оиласи эътироф этилди.

Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари масъуллари ҳарбийлар нафақат хизматда, балки оилада ҳам ўз вазифаларини муқаддас билиб, бу борада жамиятда фаоллик кўрсатаётганликларини алоҳида таъкидлашади. Шу сабабли оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ўлкамизнинг узоқ ҳудудларида хизматини ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун замонавий яшаш шароитларини яратиш, фарзандларини мактабгача таълим билан қамраб олиш ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, турмуш ўртоқларини иш билан таъминлаш, касб-ҳунарга ўргатиш йўналишида тизимли ва изчил ишлар йўлга қўйилган. Шу мақсадда бўлинмаларда тикув ва қандолатчилик цехлари ташкил этилиб, уларда чевар хотин-қизлар банд қилинганлиги қувонарлидир.

Миллий армиямиз тинч ва осуда ҳаётимиз ҳамда Ватанимиз ҳудудий яхлитлигини сақлашнинг ишончли кафолатидир. Зеро, тинчлик-осойишталик халқимизнинг энг бебаҳо неъматидир. Асқаржондек юрт қалқонлари ёнида Дилчеҳрадек жонфидолар бор экан, эртамиз ишончли қўлларда эканлигидан хотиржам бўламиз.

Феруза ОРИПОВА

CamScanner yordamida skanerlangan

CamScanner yordamida skanerlangan

Шу сабабли йиллар ўтиб, кичик цех катта ишлаб чиқариш корхонасига айланди.

Айни кунда Моҳидилнинг отаси Қўқон шаҳридаги "Қўқон лойиҳа қурилиш" МЧЖ раҳбари. Архитекторлик соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган ҳожи ота бир пайтлар иккита станок билан иш бошлаган. Ўша вақтда ягона орзуси – маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, миллий маҳсулотни бозорда муносиб ўринга олиб чиқиш бўлган.

Кичик цехдан бошланган саъй-ҳаракатлар натижасида полиграфия соҳасига қизиқиш пайдо бўлади ва "Euro print"ни ташкил қилиш ғояси туғилади. 2010 йилда эса расман ташкил этилиб, бир неча хил маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бу корхона бугун 10 мингдан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарадиган йирик ишлаб чиқариш марказига айланди. Қоғоз, картон билан юзага келадиган маҳсулотлардаги дизайн, шакл ўзгаришларида аёлнинг инжа нигоҳининг борлиги унинг жозибадорлиги ва харидоргирлигига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда "Euro print" нафақат мамлакат ички бозорида, балки хорижий давлатларга ҳам ўз маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Бу эса оиланинг меҳнати, жамоа билан ишлаш маданияти самарасидир. Оилавий бизнесда ҳар бир фарзаднинг ўз ўрни бор. Ўғиллари Аюбхон оилавий бизнеснинг умумий назоратини олиб боради, Дадахон – "Euro print"да савдо бўлими бошлиғи сифатида фаолият юритади, Лазизхон эса давлат ташкилотларидан бирида ишлаб, оилавий анъанани – ҳалол меҳнат ва фидойилик билан давом эттирмоқда.

Бу оила тарихидаги ҳар бир босқич – жасорат билан эришилган юксакликлар, меҳнат билан ёзилган саҳифалардир. Улар учун бизнес нафақат даромад манбаи, балки оилавий бирликни мустаҳкамловчи, авлодларга меҳнат маданиятини ўргатувчи мактабдир.

Аср бошларида улар илк бор "Hamkorbank" АТБдан кредит олишга қарор қилишди. "Ўша пайтда биз учун бу катта таваккал эди, – дейди Моҳидил опа. – Биз бу ҳамкорликка ишонч билан қадам қўйдик. Шу орқали янги ускуналар сотиб олдик, иш жараёнини автоматлаштирдик".

Аввал уч киши меҳнат қилган жамоа бугун юзлаб инсонлар учун даромад манбаи. "Ҳар бир ишчи мен учун шунчаки ходим эмас, балки катта оиламнинг аъзоси, – дейди у. – Меҳр бор жойда барака ҳам бўлади. Шу туфайли ишчиларимизнинг кўпчилиги анча йиллардан буён оғир-енгилимизни биз билан бирга тортишиб келяпти".

Моҳидил опа учун раҳбарлик фақат буйруқ бериш эмас, балки одамларни илҳомлантириш, ишга ишонч билан қарашга ўргатиш, демакдир.

Ҳаётда барча нарса бир текис кечмайди.

Бир пайтлар бозорда рақобат кучайиб кетди, хомашё қимматлашди. Тадбиркор оила катта молиявий қийинчиликларга дуч келди. Лекин корхона ишчиларини бўшатиб юбормади, ишсиз қолдирмади. Бозорда нима ўтса, нима пул келтирса, ўша буюмга куч ташлашди. Аста-секин ўз брендларига мос келадиган янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга киришдилар.

Тутган йўллари тўғри бўлди. Янги маҳсулотлар бозорда ўз ўрнини топди, ишлаб чиқариш янада жонланди. Шу орқали улар нафақат иқтисодий, балки, маънавий жиҳатдан ҳам кучли бўла боришди. "Биз қийинчиликлардан қўрқмадик, уларни тажриба деб қабул қилдик", – дейди Моҳидил Назирова.

Маблағ ҳам тўпланди, фаолият кўлами кенгайди. Янги меҳмонхона иш бошлади, тиббий диагностика очилди. Барча йўналишларда замонавий руҳ билан бирга аёлнинг меҳри, назокати ва жавобгарлиги сезилиб туради.

"Меҳмоннавозлик – биз учун қадрият. Ҳар бир мижозни ниҳоятда самимий кутиб оламиз. Миллатимизнинг сифат белгиларига соя туширмаслик – меҳнат тамойилларимизнинг асосийси". Тадбиркор аёлнинг ҳар бир қадами ўзига аниқ. Бу аниқлик айтаётган ҳар гапидан сезилади.

– Аёл киши кўпроқ кучни моддий имкониятдан эмас, қалб қуввати, севимли касби, оиласидан олади, – дея таъкидлайди суҳбатдошимиз. – Илгари "Аёл бизнесни бошқара олмайди", деган гаплар тез-тез эшитиларди. Энди эса вақт исботлади: аёлнинг фикрлаши, ташкилотчилик қобилияти ва меҳри бор жойда яхши натижа бўлади.

Моҳидил опа кўплаб ёш қизларга устоз сифатида маслаҳат бериб келади. Унингча, ҳар бир аёлда тадбиркорликка майл бор, фақат унга имконият бериш, ишонч билдириш керак.

Бугун Позиловлар оиласи нафақат ички бозорда, балки халқаро миқёсда ҳам ўз ўрнини топмоқда. Яқин келажакда янги меҳмонхона қурилиши режалаштирилган – бу нафақат янги иш ўринлари, балки минтақада туризм салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

– Мен фарзандларим ва ишчиларимга доим бир гапни айтаман: "Ишга бел боғласангиз, у сизни синайди. Билингки, ҳар синовдан кейин ўзингизни янада кучли ҳис қиласиз", – дейди тадбиркор аёл.

Моҳидил Назирова ва унинг онаси Саноатхон ая – меҳнат билан орзуларни уйғунлаштирган, аёлнинг сабри ва жасорати орқали юксалиш мумкинлигини исботлаган инсонлар. Уларнинг кечаги машаққатли кунлари, бугунги заҳмат билан эришган, эришаётган ютуқларидир. Буларнинг барчаси бир оиланинг миллатимизнинг шараф китобига меҳр ва меҳнат билан ёзган, ёзаётган олқишларга лойиқ тарихдир.

Моҳинур ҲАЗРАТУЛЛО қизи,
"Саодат"нинг Андижон
вилояти мухбири

CamScanner yordamida skanerlangan



ҚАДАМ ТАШЛАСАНГ, ЙЎЛ ОЧИЛАДИ

Юртимизда тобора катта кучга айланаётган оилавий тадбиркорлик фақат иқтисодий ўсиш эмас, балки авлодлар ўртасидаги меҳр, ишонч ва бирликни мустаҳкамлайдиган катта мактабдир.

Қўқонлик тадбиркор Моҳидил Назирова фармацевтика соҳасидан бошлаган меҳнат йўлини йиллар давомида оилавий бизнесга айлантиришга эришди.

– Бизнесга қадам қўйиш осон бўлмаган, – дейди суҳбатдошимиз фаолиятининг дастлабки йиллари ҳақида сўз очаркан. – Чунки ҳали оилавий бизнес борасида тажриба, деярли, йўқ эди. Кўпроқ бошимизда айланиб юрган хаёлларга, тузган хомаки режаларимизга таяниб иш бошладик. Бизни бу йўлга ундаган онамиз бўлди. У доим "Биринчи қадамни қўймасанг, йўл очилмайди. Кўз – қўрқоқ, қўл – ботир", деб бизга рағбат бериб турган.

Фақат айтибгина қолмай, ота-она бу машаққатли, шарафли йўлни ўзлари бошлаб ҳам беришган. Асли касби архитектор бўлган отаси Алихўжа Позилов ва онаси Саноатхон ая бундан анча йиллар аввал қуруқ меваларни қадоқлаш учун кичик цех очишган. На андаза олишга бирор бошқа корхона, на катта маблағ бор эди. Юракларида фақат ишонч қатъийлик ва интилиш бор эди, холос. "Қутиларни ҳам қўлда ясардик. Эртадан кечгача тиним билмай ишлардик. Ҳатто баъзан ишчиларнинг маошини вақтида тўлаш учун қурбимиз етмай қийналар эдик. Аммо ҳар бир қийинчилик янги босқичга тайёргарлик экан", – дейди тадбиркор аёл.

Хонадондаги ҳамжиҳатлик ва меҳр уларни янада руҳлантирди. Оиланинг бирорта аъзоси: "Биз бу айтилган ишни қила олмаймиз", демади.

